

**Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда касаба уюшмаси  
қўмитасининг қўшма йиғилиши**

28 декабрь 2021 йил.

Янгиқўрғон шаҳарчаси.

Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда бирлашма касаба уюшмасининг қўшма йиғилишида қатнашдилар:

Йиғилиш раиси:

Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: Л.Р.Аҳмедова

Йиғилишда иштирок этдилар: бирлашма бошлиғининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари А.Эргашев, ўринбосарлари Р.Мадрахимов, О.Файзуллаев, бирлашма бош ҳисобчиси Қ.Долиев, бўлим бошлиқлари, ДПМ бўлим мудирлари ҳамда хўжалик ҳисобидаги даволаш бўлимлар мудирлари, врач диетолог Р.Отамирзаев ҳамда бирлашма касаба уюшмаси раиси Қ.Жаббаркулова, бухгалтерия ва кадрлар бўлими ходимлари, жами 53 нафар ходимлар иштирок этишди

**К У Н Т А Р Т И Б И Д А:**

Бемор миждозларни овқат билан таъминлаш, уларга овқат тайёрлаш ва тарқатишга ихтисослашган “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси билан 2022 хўжалик йили учун “Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома” тузиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала бўйича туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Л.Р.Аҳмедова сўз олиб, у сўзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2020 йилги 16-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги Қарорига асосан туман тиббиёт бирлашмасида 2021 йил 1 июндан эътиборан аутсорсинг хизмати ташкил этилганлигини, ҳозирда бемор миждозларга овқат тайёрлаш ва тарқатиш бўйича Янгиқўрғон туманида жойлашган “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси билан шартнома тузилиб, МЧЖ томонидан хизмат кўрсатилаётганлигини таъкидлаб, “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, бемор миждозларга кўрсатилаётган хизматлар бўйича маълумот бериш учун сўзни туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари А.Эргашевга берди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари А.Эргашев ўз сўзида “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ фаолияти тўғрисида гапириб, МЧЖнинг 2021 йил якуни бўйича фаолиятини ўрганиб чиққанлигини таъкидлаб, туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги даволаш муассасаларида даволанаётган бемор миждозларни овқат билан таъминлаш ва бемор миждозларга овқат тайёрлаш ва тарқатиш бўйича Янгиқўрғон туман

худудда жойлашган “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси билан 2021 йил 31 декабрга қадар “Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома” тузилиб, унга ижара шартномаси асосида бирлашманинг балансида бўлган ихтисослашган бино-иншоотлар ҳамда жиҳозлардан ижара асосида фойдаланиш бўйича шартнома тузилганлигини айтиб, қуйидагиларни таъкидлади.

Ҳозирда туман тиббиёт бирлашмасининг даволаш муассасаларида, жумладан Туғруқхона, Потология пости, Болалар, Жарроҳлик, Шошилинич тез ёрдам, Юқумли касалликлар, Тери-таносил касалликлари, Ички касалликлар бўлимларига, шунингдек Заркент ҳамда Нанай худудларида ташкил этилган бўлимларда даволанаётган жами 425 койка беморларга “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, аутсорсинг хизматини ташкил этиш давомида бирлашма томонидан “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонасига бирлашманинг балансида бўлган ихтисослашган бино-иншоотлар ҳамда жиҳозлардан ижара асосида фойдаланиш учун ижара шартномаси асосида топширилган бўлсада, бино ва ишноотлар, ҳамда жиҳозлар анча таъмирталаб бўлиб қолганлиги туфайли МЧЖ томонидан ўз хисобидан 40.0 млн. сўм атрофида маблағ сарфлаб бино иншоотларни ҳамда жиҳозларни таъмирлаганлиги ва ўз хисобидан хомийлик сифатида иссиқ овқатларни сифатли тайёрлаш учун янги асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатганлигини таъкидлади.

Ўтган 2021 йил давомида даволанган жами 425 койка бемор миждозларга “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси томонидан 1 052 584.3 млн. сўм атрофида овқат пишириб, етказиб берилиб хизмат кўрсатганлиги, ўтган давр мобайнида бемор миждозлардан овқатни ўз вақтида етказиб бериш, калорияси ҳамда сифати масаласида эътирозлар келиб тушмаганлигини гапириб, ҳозирга келиб “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси томонидан бемор миждозларга хизмат кўрсатиш тизими тўла шаклланиб бўлганлигини, МЧЖ томонидан нормал фаолият олиб бораётганлигини, бундан ташқари 2020 йил 14 сентябрда ҳамда жорий 2022 йилнинг 10 январда Наманган вилоят прокуратурасининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазрлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги Соғликни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 16-сон қарорини бажарилиши юзасидан вилоят СЭО ва ЖСБ овқатланиш гигиениyasi бўлими мутахислари ҳамда вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси мутахислари иштирокида “Mega ziyo fayz “ МЧЖ га қарашли пархез таомлар ошхонасида мониторинг ва текшириш жараёнлари олиб бориб, ижобий хулосага келинганлигини таъкидлади.

Шу ўринда, “Mega ziyo fayz“ МЧЖ томонидан туман молия бўлимининг Ҳазначилик бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмаси учун ажратилган маблағлар сметаси тасдиқлангунга қадар 2022 йилнинг январь-февраль ойлари учун ҳам МЧЖ ўз маблағи хисобидан беморларга 3 маҳал сифатли иссиқ овқат етказиб бериб келаётганлигини ҳам гапириб ўтди .

МЧЖ раҳбари С.Мамажанов кўп йиллардан бери беморларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келишлигини, С.Мамажанов МЧЖ да раҳбар бўлиб иш бошлаши билан қўшимча 16 та иш ўрни яратиб, иш ташки

қилганлигини, МЧЖ жамоасидаги ошпаз ва ёрдамчи ходимлар ҳам кўп йиллардан бери бемор миждозларга хизмат кўрсатиб келишаётганлигини, С.Мамажанов ўз касбини мутахассиси эканлигини, меҳнат жамоаси шаклланганлигини, шартнома шартларини бажарилишида инсон фактори ҳам муҳим роль ўйнашлигини таъкидлаб, келгусида ҳам туман тиббиёт бирлашмаси ушбу МЧЖга ишонч билдирса иқтисодий томондан ҳам тиббиёт бирлашмаси манфаатларига мос келишини таъкидлади.

Ўз навбатида “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари курсатиш тартиблари тўғрисидаги низомнинг 1-боб 11 хат бошига асосан аутсорсер томонидан шартнома шартларинг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирган тақдирда ва ўз ўрнида буюртмачи ҳам талаблардан қониқтирган ҳолда томонларнинг келушивига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йили учун узайтирилиши мумкинлиги” кўрсатилган бўлиб, “Mega ziyo fayz“ МЧЖ билан 2022 хўжалик йили учун ҳам “Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома” тузиш лозимлигини, бу шартнома икки томонлама манфаатли шартнома бўлиб, ҳамкорликни давом эттириш лозимлигини таъкидлади.

Масала юзасидан сўз олган тиббиёт бирлашмаси врач диетологи Р.Отамирзаев ўз сўзида “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси томонидан бемор миждозларга хизмат кўрсатиш тизими тўғри йўлга қўйилганлигини, меню бемор миждозлар даволанаётган бўлимлар мудирларининг талабларига асосан шакллантирилиб келинаётганлигини, овқатлардан намуналар олиш учун шароит тўла яратилганлигини гапириб, ушбу МЧЖ корхонаси билан шартномани давом эттиришлик мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, сўзга чиққан бўлим мудирлари, яъни туғруқхона бўлим мудирлари Р.Тўхтаматова, болалар бўлими мудирлари А.Нишанов, Ички касалликлар бўлими М.Ирисбаева, Юқумли касалликлар бўлими А.Абдуллаев, Жарроҳлик бўлими мудирлари А.Ўринов ҳамда Шошилиш тез ёрдам бўлими мудирлари Ғ.Халиловлар ўз сўзларида даволанаётган бемор миждозлар учун овқатлар ўз вақтида иссиғида етказиб берилаётганлиги, овқатларнинг сифатига нисбатан беморлардан эътибозлар бўлмаганлигини таъкидлашиб, “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси билан шартномани давом эттиришлик лозимлигини таъкидлади.

Масала юзасидан сўзга чиққан “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси раҳбари С.Мамажанов билдирилган ишонч учун ўз миннатдорчилигини билдириб, келгусидаги режаси бўйича тўхталиб, булка нон пишириш цехини қуришини, шу орқали яна 3 та қўшимча иш ўрни яратишини, хизмат кўрсатиш сифатини янада мукамал қилишини таъкидлаб, 2022 йил учун ҳам бемор миждозларни овқат билан таъминлаш ва бино-иншоотлар ҳамда жиҳозларини ижара асосида фойдаланишга топшириш тўғрисида шартнома тузишга ва хизмат кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Йиғилишда туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Л.Р.Ахмедова якуний сўз олиб, ўтган давр мобайнида тиббиёт бирлашмаси тизимидаги даволаш муассасаларида бемор миждозларни сифатли иссиқ-овқат билан таъминлаш, уларга овқат тайёрлаш ва тарқатишга ихтисослашган “MEGA ZIYO FAYZ”

МЧЖ корхонасининг фаолиятига нисбатан, хаб бир булимда ташкил килинган “Таклиф ва мулохазалар” дафтари хулосаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси кенгаши аъзолари томонидан даволанаётган беморлар билан бевосита олиб борилган сўровлар натижасида беморлардан ва унинг яқинларидан иссиқ овқат етказиб бериш масаласида бирор-бир эътирозлар бўлмаганлиги ва етказиб берилган иссиқ овқатлар сифати ҳақида умумий ижобий хулосага келинганлиги гапириб ўтди.

Шунингдек Л.Р.Ахмедова ўз сўзида аутсорсинг хизмати тиббиёт тизимида янги йўналиш бўлганлиги, уни ташкил этиш, хужжатларини расмийлаштириш учун МЧЖ раҳбарияти, ходимлари томонидан кўп вақтларини сарфлашди, ўз навбатида ўз маблағлари ҳисобидан ижарага олинган бино иншоотларда қайта таъмирлаш ишларини ўтказилганлиги, бино иншоотларда, жиҳозларда давлат стандарти талабларига жавоб берадиган ҳолат жорий этилганлиги, меҳнат жамоасини шакллантириб, қўшимча иш ўринлари яратиб, ходимларини иш ҳақи билан таъминлаб келаётганлигини ва ўз вақтида солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошираётганлиги ўамда туман маҳаллий ҳокимят томонидан 2021-2022 қузқиш мавсумига жамғариладигон кишлоқ хўжалик, полиз ва сабзавот, гурунч ва дуккакли маҳсулотларни сифатли ва топширилган режа асосида 100 % тўлақонли жамғарилганлигини, озиқ-овқат маҳсулотларининг заҳираси яратилганлигини, заҳира маҳсулотларни сақлаш учун омборлар тала блар асосида ташўкил этилганлигини таъкидлаб, ва ушбу бажарилган ишларни инобатга олиб келгусидаги режалари асосида ушбу “Mega ziyoy fayz” МЧЖ билан 2022 хўжалик йили учун аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузиш мақсадга мувофиқ бўлишлигини таъкидлади.

Кенгайтирилган кўшма йиғилиш

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги даволаш муассасаларида бемор мижозларни овқат билан таъминлаш, уларга овқат тайёрлаш ва тарқатишга ихтисослашган “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси билан 2022 хўжалик йили учун “Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича 2 томонлама тугридан тугри шартнома” тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Янгикўрғон туман ҳудудида жойлашган “MEGA ZIYO FAYZ” МЧЖ корхонаси билан 2022 хўжалик йили учун “Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома” тузиш туман тиббиёт бирлашмаси Молия-бухгалтерия бўлимига топширилсин.

Кенгайтирилган йиғилиш раиси,  
Янгикўрғон ТТБ бошлиғи



Л.Р.Ахмедова

Йиғилиш котиби:  
Бирлашма иш юритувчиси:



А.Анорбоев